

Сурхондарё вилояти Узун туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида.

XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI KENGASHINING QARORI

Uzuntumani, O'zbekistonko'chasi 7-uy.191100, tel.: (+99876)44-73-545, uzun.t@exat.uz

20__-yil "___" _____-son

Uzun t..

Сурхондарё вилояти Узун туманининг 2022 йилги маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, Бюджет кодексининг 99-моддаси, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 22-04-10/6396-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Узун туман Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” 2020 йил 30 декабрдаги ЎРҚ 742-сонли Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ, Узун тумани маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 86 млрд. 852,9 млн сўм, харажатлари 199 млрд. 586,4 млн сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 112 млрд. 733,4 млн. сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
3. 2022 йил учун Узун туманини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023 2024 йилларга мақсадли мўлжалланган.

1-иловага мувофиқ, 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози

2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

4. 2022 йил учун туман бюджетидан бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари
3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
5. 2022 йил учун туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича туман маҳаллий бюджети тақсимотини ўрнатилган тартибда туман бўйича Ғазначилик бўлинмаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

6. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг прогнози 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2022-йил учун вилоят бюджетидан туман маҳаллий бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман маҳаллий бюджети даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги Қонунда белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. 2022 йил учун туман маҳаллий бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 1 млрд. 882 млн сўммиқдорида белгилансин.

Туман бюджетининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

Узун туман бюджетининг ижро этишда юқори турувчи бюджетдан уларга ажратиладиган бюджетлараро трансфертларнинг прогнозидан ошган қисми учун тегишли бюджети захира жамғармалар миқдорларига аниқлаштириш киритилмайди.

9.2022 йил учун туман бюджети шахсий ғазна ҳисоб варақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 810 млн. 870 минг сўм 7-иловага мувофиқ белгилансин.

10. Ўзбекистон Республикасининг мазкур Қонуни билан 2022 йилда Халқ депутатлари Кенгашили маҳаллий бюджетларни бошқаришда, хусусан маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

Шунингдек, 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган қатъий белгиланган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

айланмадан олинадиган солиқ;

и акциз солиғи, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолати

Давлат мулкани фойдаланишга (ижарага) беришдан тушумлар

б) туманнинг туман маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

фойда солиғи (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий

фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан, шунингдек президентнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари).

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушумлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

бошқа тушумлар

в) туман бюджетлари ўртасида тақсимланади:

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ҳамда тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, филдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини

ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари);
давлат активларини сотишдан қонунчиликда белгиланган нормативлар бўйича
олинган даромадлар;

(ҳар бир солиқ тури бўйича ажратмалар нормативи кўрсатилади)

11. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Хасанов, Молия бўлими Б.Баратов,
туман Давлат солиқ инспекцияси (Р.Боймирзаев) туман маҳаллий бюджети
маблағлари ҳисобидан маблағ билан таъминланадиган бюджет
ташкilotлар билан биргаликда:

тегишли бюджетларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган
тўловлар, озиқ-овқат ва дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг
режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларни ўз вақтида ва самарали бажариш;.

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада
кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг
тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш
зарурлигига алоҳида эътибор қаратсин.

12. Туман давлат солиқ инспекцияси (Р.Боймирзаев) Ўзбекистон Республикаси
Солиқ кодексида белгиланган ваколатларидан келиб чиқиб:

солиқларнинг тўлиқ ва тўғри ҳисобланишини ҳамда ушбу солиқларни ўз вақтида
бюджетга ундирилиши устидан солиқ назоратини кучайтириш;

ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва мол-мулк
солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказган ҳолда, солиқларни тўлиқ
ҳисобланишини таъминлаш ҳамда ушбу солиқ тўловлари бўйича солиқ
қарздорлигига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

айланмадан солиқ тури бўйича солиқ тўловчилар томонидан нақд пул
айланмаларининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс этирилиши устидан доимий
солиқ назоратини ўрнатиш ҳамда зарур ҳолларда хронометраж ва камерал
солиқ назорати тадбирларини ўтказиш;

Бунда, мазкур йўналишда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида фуқароларга харид чекини талаб қилиб олишни тарғиб этувчи ижтимоий роликлар ҳамда видео материаллар тайёрлаб, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратсинлар.

хатлов ишларини самарали ташкил этиш орқали ер ва мол-мулк солиғининг солиқ базасини ошириш вазифаси юклатилсин.

13. Туман давлат солиқ инспекцияси (Р.Боймирзаев), Кадастр агентлиги туман бўлими бошлиғи (Н.Қорақулов) 2022 йилдан бошлаб юридик шахслар мол-мулк солиғини ҳисоблашда кўчмас мулкларга 1кв.метр учун минимал миқдорлар жорий этилганлигидан келиб чиқиб, вилоятда мавжуд солиқ тўловчиларнинг мол-мулклари майдонларини чуқур таҳлил этган ҳолда ушбу мол-мулкларга нисбатан солиқларни тўлиқ ҳисобланишини таъминласин.

14. Мажбурий ижро бюроси Сурхондарё вилояти Узун туман бўлими (Ф.Муродов) туман Давлат солиқ инспекцияси (Р.Боймирзаев) билан ҳамкорликда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мавжуд солиқ қарздорликларини бюджетга ундириш юзасидан тегишли чоралар кўриб борсин ҳамда чораклар якуни билан солиқ қарздорликларининг чорак бошига нисбатан камайиб бориши бўйича барча комплекс чора-тадбирлар кўриш вазифаси юклатилсин.

15. Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими (Д.Сафарова) тумандаги жисмоний шахсларнинг ер ва мол-мулк солиқлари бўйича жорий ҳисобланган солиқларни ҳамда ушбу солиқлардан мавжуд солиқ қарздорликларини ундириш юзасидан солиқ органларига амалий ёрдам кўрсатсин.

Туман Ирригация тизимлари бўлими (Й.Саидов) ва туман давлат солиқ инспекцияси (Р.Боймирзаев), туман ҳокимлиги билан биргаликда туманда суғоришга сарфланаётган сув ҳажмлари бўйича аниқ ҳисоб-китоблар юритган ҳолда мазкур

16. Истеъмол ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлиқ ҳисобланишини ҳамда молия йили якунига қадар маҳаллий бюджетларга тўлиқ ундириб олиш вазифаси юклатилсин.

Бунда, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан истеъмол қилинаётган сув ресурслари ҳажмлари ва ушбу ҳажмлар бўйича ҳисобланаётган сув солиқлари бўйича доимий таҳлиллар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

17. Туман Ички ишлар бўлими (М.Ишкараев), туман йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими (О.Ризаев), Давлат хизматлари агентлиги туман бўлими бошлиғи (Х.Абдукадиров) ҳисобланган бож, жарима ва йиғимларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда бюджетга ундириш чораларини кўриб борсин.

18. Кенгашнинг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси:

маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳокимлик томонидан тақдим этилган таклифлари асосида бюджет қонунчилигига тўлиқ риоя этилган ҳолда Кенгаш қарор лойиҳасини ишлаб чиқилишига;

Кенгаш қарори асосида маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағларни самарали ва мақсадли фойдаланиши устидан назорат ўрнатишга ва натижалари бўйича тавсиялар беришга мониторинг қилишга;

маҳаллий бюджет харажатнинг қонунчиликда белгиланган қисмининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишида иштирок этади ва ушбу маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан назоратни амалга оширишга масъул этиб белгилансин.

19. Туман ҳокимлиги:

Туман бюджети жами харажатларининг 5 фоизи ҳамда шаклланган қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштириш учун “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”га йўналтирсин.

Бунда, туман халқ депутатлари, Ёшлар ишлар агентлиги, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари ҳамда янги жорий этилган ҳоким ёрдамчилари бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида аҳолига кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришга масъул этиб белгилансин;

маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан харид қилинган товарлар ва хизматлар, қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар рўйхати, шунингдек қурилиш-таъмирлаш ишларининг молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар ҳар чорак якунларига кўра, кейинги чорак биринчи ойининг 10 санасига қадар мажбурий тартибда тегишли ҳокимлик расмий веб-сайтларига жойлаштириб борилсин.

20. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Хасанов, халқ депутатлари туман Кенгаши котибияти, туман ҳокимлиги, тегишли ташкилотлар:

маҳаллий бюджет даромад ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилиши ҳамда солиқ базасини кенгайтириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар;

ажратилган бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиши юзасидан эришилган натижалар бўйича Кенгашга бир чоракда камида бир маротаба ҳисобот киритиб борсин.

21. Туман ҳокимлиги Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таъминласин.
22. Мазкур қарор “Боботоғ тонги” газетасида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.
23. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, туризм, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси (А.Бакиев) ва туман ҳокими биринчи ўринбосари (Б.Хасанов) зиммасига юклатилсин.
24. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Кенгаш раиси

Б.Турсунов